*Ватан севмак иймондандур!*

# Ўзбекистон овози

*Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган*

*Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети*

Обуначига — 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 27 октябрь, сешанба № 211 (21.309).

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЯПОНИЯЛИК МЕҲМОННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 26 октябрь куни Япония молия вазирининг халқаро ишлар бўйича муовини Тадао Чинони қабул қилди.

И. Каримов Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасидаги алоқаларни кенг йўлга қўйиш иккала мамлакат учун ҳам жуда фойдали эканини, дунё иқтисодиётида юксак мавқега эга бўлган мамлакат тажрибаси Ўзбекистон миллий иқтисодиётини барпо этишда қўл келишини таъкидлади.

Жаноб Т. Чино Япония ҳукумати Ўрта Осиёдаги ёш мустақил давлатларга молиявий, иқтисодий ёрдам беришга тайёр эканини маълум қилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов, молия вазири Э. Боқибоев ва ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов ҳозир бўлишди.

(ЎзА).




# ЙИҒИМ-ТЕРИМДА ҲАР ДАҚИҚА ҒАНИМАТ!

● ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҒУЗОР РАЙОНИНИНГ ДЕҲҚОНЛАРИ РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ БЎЛИБ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ДАВЛАТ БУЮРТМАСИНИ БАЖАРДИЛАР. РАЙОН ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИГА 30 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД «ОҚ ОЛТИН» ТОПШИРИЛДИ. ҲОСИЛНИНГ КЎП ҚИСМИ ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИ ЁРДАМИДА ТЕРИБ ОЛИНДИ.

● ОЛОТ РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИ ҲАМ ЗАФАР ҚУЧИШДИ. УЛАР ЖАМИ 28 МИНГ 200 ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАШДИ.

● ПЕШҚАДАМ ОЛТИНКЎЛ, БЎЗ, ДАНҒАРА, ШОФИРКОН, БУВАЙДА ВА ҚОРАКЎЛ РАЙОНЛАРИНИНГ ПАХТАКОРЛАРИ БЕЛГИЛАНГАН МАРРАГА ЯҚИНЛАШИБ ҚОЛДИЛАР.

● ҲАММА ЖОЙДА ТЕРИМ СУРЪАТИ КУЧАЙДИ — ПАХТАНИНГ ХАРИД НАРХИ ОШИРИЛГАНИ ИЖОБИЙ САМАРАСИНИ КЎРСАТМОҚДА.

● РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

## АМАЛИЙ ЖАВОБИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг етиштирилган пахта ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олишда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини рағбатлантириш, моддий-техника ва энергетика ресурсларига ошиб кетган харажатларини қоплаш, шунингдек, хўжаликларнинг иқтисодиётини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида давлатга сотиладиган пахтанинг амалдаги харид нархларини 1,5 баравар ошириш тўғрисидаги Фармони деҳқонларимизнинг дилидаги гап бўлди. Бундан руҳланган меҳнаткашларимиз давлатга пахта сотиш режасини республикада биринчи бўлиб уддалашди. Қабул пунктларига 30 минг тоннадан зиёд юқори сифатли «оқ олтин» етказиб берилди.

Ғалаба манзилига вилоятда биринчи бўлиб етиб келган Ленин номли, Улуғбек номли, М. Ҳасанова номли, Навоий номли, «Наврўз» давлат-ширкат хўжаликлари, «Навбаҳор» хўжаликлараро корхонаси пахтакорлари район хирмонига баракали ҳисса қўшдилар.

Далаларимизда ҳосил кўп. Давлатга яна 3 минг тоннадан кўпроқ пахта топширмоқчимиз. Президентимизнинг Фармони деҳқонларимизни сафарбарликка чорлади. Қанча кўп пахта тайёрласак, иқтисодимиз шунчалик бақувват бўлади.

Яраш НУРУЛЛАЕВ, Ғузор район ҳокими.
Холмат ҲАЛИЛОВ, ХДП район кенгашининг биринчи котиби.





СУРАТЛАРДА: Ғузор райони пахта хирмонига баракали ҳисса қўшганлар: 1. Гулноз Нустанова. 2. М. Ҳасанова номли давлат хўжалиги механизаторлари Зикирилла Қўлдошев ва Жума Очилов. Улар бу мавсумда 125 тоннадан «оқ олтин» теришди.

М. ШАРОПОВ олган суратлар. (ЎзА).

## ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ОВОЗЛАР

**24 октябрь куни Ўзбекистон шаҳарлари ва қишлоқларининг аҳолиси қуролсизланиш йўлидаги ҳаракат ҳафталигини нишонлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига мувофиқ бу тадбир ҳар йили бутун дунёда нишонланади.**

Бу йил Ўзбекистон тинчлик ва тотувлик жамғармаси анъанавий тинчликпарварлик ҳаракатига алоҳида эътибор бермоқда. Собиқ СССРнинг турли минтақаларида биродаркушлик можаролари чиқиб, юзлаб киши қурбон бўлаётган бир пайтда Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва осойишталик сақланиб турибди.

Жиззах вилоятида очилган ҳаракат ҳафталиги доирасида Тинчлик куни ўтказилди. Бу кунда вилоятнинг минглаб аҳолиси қатнашди. Фарғонадаги 5-механизация бошқармасининг ходимлари бу тадбирни янгича ўтказдилар. Жамғарманинг вилоят бўлими ходимлари билан биргаликда улар кўпгина мамлакатлар жамоат ташкилотларининг тинчлик учун кураши ҳақида ҳикоя қилувчи кўпгина ҳужжатларни тўпладилар.

Қишлоқ меҳнатчилари далада зўр ғайрат билан ишлаётган бўлсалар ҳам, барибир бу тадбирдан четда турмадилар. Деҳқонлар бўш вақтларида дала шийпонларида йиғилмоқдалар, жамоат ташкилотларининг, тинчлик ва тотувлик жамғармаси бўлимларининг фаоллари, кинопрокат ходимлари уларнинг ҳузурига келмоқдалар. Ўзларини тинч меҳнатга бағишлаган кишилар қўшни Тожикистонда, Кавказортида осойишталик муҳити ўрнатилиши муаммосига қизиқиб қарамоқдалар. Улар сайёрамизнинг барча нотинч минтақаларида тинчликни сақлаш ҳақидаги сўзларни баралла айтмоқдалар.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

### СИРДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ БАЪЗИ БИР РАЙОН ВА ШАҲАР ПОСЁЛКАЛАРИНИНГ НОМЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати **қарор қилади:**

Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимлари ҳамда халқ депутатлари тегишли район Советларининг илтимослари инобатга олиниб, Сирдарё вилоятидаги Комсомол районининг номи Мирзаобод район, Сурхондарё вилоятидаги Гагарин районининг номи Музрабод райони. Ленин йўли районининг номи Қизириқ райони, шу районнинг маъмурий маркази бўлган Ленин йўли шаҳар посёлкасининг номи эса Сариқ шаҳар посёлкаси деб ўзгартирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси**
**Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**
Тошкент шаҳри.
1992 йил 22 октябрь.

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

### УЛЬЯНОВ РАЙОНИ ВА УЛЬЯНОВСК АҲОЛИ ПУНКТИНИНГ ТАРИХИЙ НОМЛАРИНИ ТИКЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати **қарор қилади:**

Қашқадарё вилояти ҳокими ва халқ депутатлари Ульянов район Советининг илтимослари инобатга олиниб, Ульянов районининг Касби деган, районнинг маъмурий маркази — Ульяновск аҳоли пунктининг Муғлон деган тарихий номлари тиклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси**
**Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**
Тошкент шаҳри.
1992 йил 22 октябрь.

*• Зафар маррасини эгаллаганлар*

## МЎЛЖАЛ — 40 ЦЕНТНЕР

**Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги Норали Боймуродов номли жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил баланд руҳ билан меҳнат қилиб, далаларда юқори ҳосил етиштирдилар. 1370 гектар деҳқончилик майдонидан ҳозирча териб олинган пахта 32 центнерданга тўғри келди. Жами 4 минг тонна «оқ олтин» давлат омборларига топширилди. Бу — давлат пахта тайёрлаш режаси муваффақиятли бажарилди, демак.**

— Пахтачилик республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи эканлиги ҳеч кимга сир эмас, деб таъкидланади жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Давидов йўллаган телеграммада. — Гап шундаки, пахтачиликнинг аҳволи қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг турмуш-тирикчилигини белгилаб беради. Шу важдан пахта харид нархини 1,5 баравар ошириш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони пахтакорларнинг моддий аҳволини яхшилашга катта ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз. Давлат буюртмасининг 15 фоизи ва режага қўшимча олинган ҳосилнинг ҳаммасини эркин бозор нархларида сотишга рухсат берилиши пахтакор хўжаликлар даромадини оширишга баракали ҳисса қўшади.

Жамоа хўжалиги меҳнаткашлари. пахтакорларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликка жавобан, далалардан териб олинадиган ҳосилнинг салмоғини гектар бошига 40 центнерданга етказишга қарор бердилар. Шунда жамоа хўжалиги бунёдкорлари уйган умумий хирмон 5 минг тоннага етади.

Хўжалик аъзолари юксак аҳду-паймонга яраша ҳар куни ҳосил тайёрлаш суръатини ошириб бормоқдалар. Турди Худойқулов, Соат Ашуров, Рашид Фармонов, Соат Омонов, Назар Бозоров каби механизаторлар хўжалик хирмонига машиналар билан 110—120 тоннадан пахта тўкдилар. Қўл терими илғорлари ҳам ҳосил омборларга тезроқ бориб тушишида ҳал қилувчи роль ўйнамоқдалар. Чаққон теримчилардан Ўралой Ҳасанова, Ойнахол Қувондиқова, Муҳаббат Жуманазарова, Муқаддас Абсоатоваларнинг ҳар бири бугунгача 7—8 тоннадан ҳосил териб топширдилар.

Далаларда йиғиштириб олинадиган ҳосил ҳали анча. Улар нобуд қилмай қисқа фурсатда йиғиб-териб топширилади. Жамоа хўжалиги аъзоларининг бугунги ғайрати шундан далолат бериб турибди.

## НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

**РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 26 ОКТЯБРГА БЎЛГАН**

**МАЪЛУМОТ**

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

**Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери**

| | | |
|---|---|---|
| Бухоро | 2,43 | 77,28 |
| Фарғона | 1,64 | 76,16 |
| Андижон | 1,65 | 74,83 |
| Наманган | 2,69 | 70,45 |
| Қашқадарё | 3,17 | 69,14 |
| Хоразм | 2,00 | 63,05 |
| Сурхондарё | 1,63 | 62,23 |
| Тошкент | 3,35 | 55,12 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 2,18 | 55,11 |
| Навоий | 3,18 | 52,16 |
| Сирдарё | 4,01 | 43,76 |
| Жиззах | 3,69 | 37,66 |
| Самарқанд | 2,59 | 36,48 |
| Республика бўйича | 2,59 | 60,81 |
| 1991 йилдагиси | 0,92 | 97,29 |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

**● 24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов бошқарди.**

Йиғилишда купонларнинг ички бозорни ҳимоя қилишдаги муҳим роли, «Рубль» ҳамласи, товар-маҳсулотларни республикадан четга олиб чиқиб кетишга чек қўйиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Шу масалалар юзасидан «Ўзбексавдо» уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув» тизимларида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборотлар тингланди.

Йиғилишда таъкидландики, республикамизда жорий этилган купон яхши самара бермоқда. Келтирилаётган моллар ана шу купонлар билан асосан жумҳуриятимиз аҳолиси томонидан харид қилинмоқда.

Сўнгги пайтда «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» тизимлари корхоналари ва ташкилотларида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бирмунча кўпайди. Аммо аҳолининг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун ҳали кўп тадбирлар амалга оширилиши лозим. Бу борада янги кичик корхоналар, айниқса, қўл келмоқда.

Чой, буғдой, ун, ўсимлик мойи каби ўзимизда ҳам танқчил бўлган маҳсулотларнинг четга чиқиб кетиши тўхтамаётгани сабабли ҳокимларнинг шу соҳага жавобгар муовинларига, мутасадди ташкилотлар раҳбарларига бундай ҳолларга зудлик билан чек қўйиш тадбирларини кўриш топширилди.

«Рубль»дан воз кечган давлатлардан Ўзбекистонга кўплаб қоғоз пул келмоқда. Бу эса республикамиз иқтисодиётига катта зарар етказмоқда. У бозорларимизда нарх-навонинг кўтарилиб кетишига олиб келаётир. Шу сабабли республика ҳуқуқ тартибот органларидан «Рубль» ҳамласига қарши чоралар кўриш талаб қилинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Бош вазирининг муовинлари иштирок этдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг мулоқот маркази.**

**• Биз ва хориж**

## ЎЗБЕКИСТОН БОЖХОНА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ БЎЛДИ

**● Бельгиянинг Москвадаги элчихонаси хабарига кўра, шу йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Божхона ҳамкорлик кенгашининг конвенцияси ва унинг 1950 йил 15 декабрда қабул қилинган иловаларига қўшилиш йўли билан мазкур ташкилотга аъзо бўлди.**

Бу ҳақдаги ҳужжатни Бельгия ташқи ишлар, савдо ва ҳамкорликни ривожлантириш вазирлиги аъзо мамлакатлар ҳужжатларини сақловчи сифатида рўйхатдан ўтказди.

Бу халқаро ҳукуматларга бўйсунмаган ташкилотда иштирок этиш республикамизнинг дунё божхона тизими билан ҳамкорлик қилишида, божхонамиз қонунчилиги ва қоидаларини халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан мувофиқлаштиришда, Ўзбекистон божхона хизматини янада такомиллаштириш ва бу соҳада кадрлар тайёрлаш, божхона талабларини бир-бирига яқинлаштиришда кўмаклашади.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот маркази.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**● Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари қўшма ахборот қабул қилиш йўли билан дипломатия муносабатлари ўрнатдилар.**

Қўшма ахборотда ёзилишича, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Бирлашган Араб Амирликлари давлати ҳукумати икки мамлакат ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришнинг муштарак истаги асосида 1992 йил 25 октябрь кунидан бошлаб элчихоналар даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатишга қарор қилдилар.

Ахборот Тошкентда 1992 йил 25 октябрь куни қабул қилинди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ.**

## ТОКИОГА ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов ва ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов янги мустақил давлатларга инсонпарварлик ва техникавий ёрдам кўрсатиш бўйича Токио конференциясида иштирок этиш учун 26 октябрь куни Японияга жўнаб кетишди.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги.**

## РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАРИГА ЁРДАМ

**Тошкент халқаро аэропортига Американинг юк самолёти келиб қўнди. Унга қимматбаҳо дори-дармонлар ва бу дори-дармонлар сақланадиган махсус музлатгич ускунаси ортилган эди.**

Бу юкни жаҳондаги ўнлаб мамлакатларга ёрдам кўрсатиш ва ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги тўплаб, мамлакатимизга юборган. Бу Қўшма Штатлар ҳукумати ҳамда халқининг мустақил Ўзбекистонга, жумладан ўз юртининг истиқболи бўлган болаларга совғасидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон даволаш муассасалари учун мўлжалланган юкнинг дастлабки туркуми келтирилди. Иккинчиси эса бир неча кундан сўнг олиб келиниши кутилмоқда. Бу юкларнинг умумий қиймати 500 минг доллардир.

Юкни топшириш маросимида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генрий Лин Кларк, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қизил Ярим Ой жамияти, бошқа манфаатдор идораларнинг вакиллари қатнашадилар.

(ЎзА).

